

КИТОБ ФИКРЛАШ ҚУРОЛИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими
М Мухамадиев.*

Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам ҳалқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблаган. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишига иштиёқ ҳалқимизнинг қонқонига сингиб кетган. Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Шу маънода бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерга берилиб кетди. Компьютер ҳозирги кунда кўпгина хонадонларга ҳам кириб келган. Исталган янгилигу ахборотларни бу воситалардан хоҳлаганча олиш мумкин. Ачинарлиси, бутун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм бадиий асар ўрнини босолмайди. Масалан, “Ўтган кунлар” романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратта олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди. Китобхонлик оиласидаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маърифатли оиласидаги китобга эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади. Инсон ўзининг фикрлаш қобилияти, маънавият дунёси билан тирик. Одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи омиллардан бири ҳам унинг маънавияти ҳисобланади.

Китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиши ва шаклланиши жараёни билан узвий боғлиқ. Ёзувнинг тузилиш ҳусусиятлари (белгилар тизими, уларнинг жойлашиш тартиби), ёзув материали ва қуролининг ўзига хос томони ва бошқалар маълум даражада китоб тузилишини ҳам белгилаб берди.

Қадимий Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, пальма дарахти барглари, сопол ва бошқа материалларга ёзиб фикр изҳор

этганлар. Ҳар бир китоб ўнлаб шундай материаллардан тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча кг бўлган. Ёзув материали сифатида папирус ўсимлиги ишлатилиши (милоддан аввалги 4—3 минг йилликларда) билан ўрама китоблар пайдо бўлди. Бундай китобларнинг узунлиги ўртача 10 м атрофида бўлиб, ингичка, юмалоқ таёқларга ўралган ва маҳсус чарм ёки ёғоч ғилофларда сақланган. Шарқ мамлакатлари, Қадимий Рим ва Юнонистондаги кўпгина нодир асарлар папирусга битилган. Милоддан аввалги II асрга келиб китоб материали сифатида пергамент (тери)дан фойдаланиш кенг расм бўлди. Дастреб бундай китоб ўрама ҳолда сақланган. Айрим маълумотларга қараганда, Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган зардуштийлик динининг муқаддас китобларидан Авестонинг қадимий нусхаси ҳам 12 минг мол терисига битилган. Арабларнинг Ўрта Осиёдаги истилосига қадар (8—10-асрлар) у ерда кўп нодир китоблар сақланган кутубхоналар бўлган. Лекин, уларнинг кўпи босқинчилик урушлари натижасида йўқотиб юборилган. II-IV асрлардан бошлаб Қадимий Римда худди ҳозирги китобларнинг варақалари сингари буклаб, тикиб тайёрланган ва бир-бирига бириктирилган, муқовали китоблар — кодекс пайдо бўлди. Улар дастреб папирус, сўнг пергаментга ёзилган. Бундай китоблар оғир ва бесўнақай эди. VI асрдан бошлаб кодекс шакли асосида ҳозирги кўринишдаги китоблар пайдо бўлди. Терига ишланган ноёб китоблардан бири — Мусҳафи Усмон Куръонидир.

Куръони каримнинг бу нусхаси 644—656 йилларда халифа Усмон кўрсатмаси билан Мухаммад (с.а.в.)нинг котиблари Зайд ибн Собит, Амир ибн ал Ооъс ва Ҳишом ибн Ҳакимлар томонидан куфий хатида ёзилган. Мазкур қўллўзма китоб Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган. Жами 353 варақ, ҳажми 68x53x22 см. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Туркистонда босма усули билан китоб чиқариш Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин тарқалди. 1868 йилда Тошкентда Туркистон харбий округи штабининг босмахонаси ташкил этилди. Шу босмахонада нашр этилган рус олими ва сайёхи Н. А. Северцовнинг “Чу ва Норин тизмалари этагидаги тоғли ўлка тўғрисида лавҳалар” (рус тилида) китоби Туркистондаги илк босма китобдир. Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йилда Хивада босилган “Календар”идир. Бирин-кетин Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам хусусий литографиялар ташкил этилди. Булардан Отажон Абдалов (Хивада), Семён Лахтин (Тошкентда), Фулом Ҳасан Орифжонов (Тошкентда) литографиялари машхур. Бу босмахоналарда адабий, фалсафий, диний, тарихий асарлар ва дарсликлар чиқарилди.

Китоблар қандай ўқувчилар оммасига мўлжалланганлиги, мақсади ва мавзуига қараб турларга ажратилади. Ўқувчиларга кўра, китоблар оммавий, мутахассислар учун ва болалар китоби бўлиши мумкин. Мақсадига кўра, расмий, илмий, илмий-оммабоп, ўқув, адабий-бадиий, маълумотнома ва бошқа хил китобларга бўлинади. Илмий китоблар ичida монография кенг тарқалган. Ўқув китоблари дарслик, ўқув қўлланмаси, ўқув методик қўлланма ва бошқа турларга ажратилади. Маълумотномалар эса луғат, энциклопедия, календарь, йўл кўрсаткичлар кабиларга бўлинади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1. Ўзбекистон Милли Энциклопедия**
- 2. Мусаввир ва китоб, Т.,**
- 3. Ўзбек тилининг изохли луғати - 90 бет.**
- 4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kitob-uz/>**
- 5. <https://uz.kuzminykh.org/1307-100-interesting-facts-about-books.html>**
- 6. Ва яна китоб ҳақида... (биринчи мақола) *Муроджон Аминов «Ҳилол» журналиниң 9(30)сонидан***